

Бақара сураси, 83-оят

09:00 / 06.10.2017 4359

Эсланг, ўшанда: «Аллоҳдан бошқага ибодат этмайсиз, ота-онага яхшилик қиласиз ва қариндошларга, етимларга, мискинларга ҳам; одамларга яхши гаплар айтинг, намозни қоим қилинг, закотни беринг», - деб Бану Исроилнинг аҳду паймони олмаган эдик. Сўнгра озгинангиздан бошқангиз юз ўгириб, ортга қараб кетдингиз. Бақара 83.

Мулоҳаза қилинса, Аллоҳ таоло Бану Исроилдан аҳду паймон олган ишлар Илом дини ҳам буюрган ишлардир. Шундан ҳамма самовий динларнинг бир экани келиб чиқади. Тавҳид ақийдасининг асоси – Аллоҳдан бошқага ибодат қилмаслик аҳду паймон олинган ишларнинг бошида саналаяпти. Ота-онага яхшилик қилиш ҳар бир фарзанднинг муқаддас бурчи ҳисобланади. Қариндошларнинг қариндошлик ҳаққи бор, уларга ҳам яхшилик қилиш лозим. Етимлар боқувчисиз қолган ёш болалардир. Жамиятда уларнинг ҳам ҳаққи бор. Шунингдек, мискинлар ҳам турли сабабларга кўра, ҳаёти ноқулай ҳолларга тушиб қолган шахслардир. Уларга ҳам яхшилик кўрсатиш инсоннинг инсонийлик бурчи ҳисобланади.

Оятдаги «одамларга яхши гаплар айтинг» жумласини тафсир қилиб, Имом Ҳасан Басрий:

«Яхши гап – амри маъруф, наҳйи мункар, ҳилму афв, кечирим ва ширин сўзлардан иборатдир», – деганлар.

Намозни қоим қилиш, яъни унинг барча амалларини жой-жойига қўйиб адо этиш ҳамма самовий динларда ҳам асосий ибодатлардан ҳисобланади.

Имом Бухорий ва имом Муслим ҳазрати Абдуллоҳ ибн Масъуддан ривоят қилган ҳадисда у киши Набий алайҳиссаломдан:

«Эй Аллоҳнинг Расули, қайси амал энг афзалдир?» – деб сўраганларида, у зоти бобаракот:

«Ўз вақтида ўқилган намоз», – деб жавоб берганлар. Шунингдек, закот ҳам улуғ молиявий ибодатлардан ҳисобланади.

Аллоҳ таоло Бану Исроилдан мазкур амалларни бажаришга аҳду паймон (таъкидланган ваъда) олган бўлишига қарамай, улар ўз одатлари бўйича,

бу аҳду паймондан юз ўгирдилар ва қасддан ортга қараб кетдилар.